

Халқаро ҳадис тадқиқотлари тақдимоти ва ижоза бериш маросими бўлиб ўтмоқда



15:53 / 19.01.2024 1989

Бугун, 19 январь куни Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «**Сулаймония**» жомеъ масжидида Халқаро ҳадис тадқиқотлари тақдимоти ва ижоза бериш маросими бўлиб ўтмоқда.

Ушбу халқаро маросимга Туркия президенти **Ражаб Тоййиб Эрдўган** жаноблари, замонамиз уламолари, хусусан, юртимиздан ташриф буюрган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий **Нуриддин домла Холиқназар** ҳазратлари, Ўзбекистон президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси **Музаффар Комилов**, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита раиси **Содиқ Тошбоев**, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари **Жалолиддин домла Ҳамроқулов**, Имом Термизий халқаро

илмий-тадқиқот маркази раҳбари **Шукрулло Умаров**, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби **Исмоил домла Муҳаммад Юсуф** ҳамда «**Hilol nashr**» матбаа-нашриёти директори **Абдулвоҳид Саттиевлар** иштирок этмоқдалар.





Маросим Қуръони Карим тиловати билан бошланди.



Тақдимот «**Набавий сийрат ва суннатни ихё қилиш**» мавзусига бағишланиб, беназир муҳаддис олим, **шайх Муҳаммад Аввома** ҳазратлари мавзуга оид маълумотларни шарҳлаб бердилар. Бундан ташқари, шайх Аввома ҳазратлари бошчилигида бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган «**Сунан Термизий**» китобининг таҳқиқ қилинган нусхаси тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, «**Тадрибу Ровий**» китобини тўлиқ ўқиб чиққанларга шайх Аввома ҳазратлари ижоза бердилар.



Айни вақтда маросим давом этмоқда.